

НОСИХ ВА МАНСУХ СЎЗЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, УНИНГ  
ИСТИЛОҲИЙ ТАЪРИФЛАРДАГИ ТАЪСИРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7772219>



ELSEVIER



Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

Ахматқулов Элёржон Одилбек ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти,  
Тошкент ислом институти ўқитувчиси.  
E-mail: 93elyorjon@gmail.com



**Abstract:** Мақолада Қуръони каримдаги носих қилувчи оятлар ҳамда мансук бўлган оятлар борасида уламоларнинг фиклари баён этилган ҳамда насх сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари батафсил келтириб ўтилган.

**Keywords:** насх, носих, мансук, ҳукм, ҳукмнинг кўтарилиши, насх лафзининг ҳақиқати, насхдаги мажоз.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Аллоҳ таоло бандалари тўғри йўлда юриб, натижада Роббисининг розилигига эришиши учун турли вақтларда пайғамбарлари орқали уларга Ўз шариатини – уларга икки дунё саодатини кўрсатувчи йўл-йўриқларни нозил қилган. Ўша юборилган шариатлар кўшлаб қавмларга ҳамда турли замонларда нозил бўлган бўлса ҳам, бироқ ягона ақида, биргина эътиқод илгари сурган.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ

(Эй, Мухаммад!) Сиздан илгари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилингиз!» – деб ваҳий юборгандирмиз<sup>157</sup> (Анбиё сураси 25-оят).

Ушбу ақидавий таълимотга ибодат ва кундалик ҳаётда учраб турадиган муомала масалалари қўшилиб, умумий шариатни ташкил этади, натижада бандалар қандай йўл тутишлари лозимлигини белгилаб беради. Шу билан бирга замон ва маконга мос равишда ибодат ва муомала масалалари ўзгариб туради. Бир умматга буюрилган ҳукмлар бошқа умматларга манъ қилинган, маҳрум этилган қоидалар эса кенгрок олинган. Мана шу тарзда бир ҳукмнинг бекор бўлиши ёки бошқасига ўзгариши насх<sup>158</sup> дейилади. Бунинг асосий сабаби эса аввало, кимга нимани нозил қилиш Аллоҳ таолонинг ихтиёрида эканлигидир. Чунки Аллоҳ таоло Ўз мулкида хоҳлаганича тасарруф қилади:

لَا يُسْأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْأَلُونَ

<sup>157</sup> Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” матбаа нашриёт бирлашмаси, 2014.

<sup>158</sup> *Изоҳ:* кейинги ўринларда насхнинг истилоҳий маъносига батафсил тўхталамиз

У ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида жавобгар эмас, балки улар (Аллоҳнинг олдида бандалар) жавобгардирлар<sup>159</sup>. (Анбиё сураси 23-оят)

Бундан ташқари уламоларимиз куйидагича асослашга уринганлар:

Баъзи умматлардан талаб қилинган мақсадлар бошқа умматдан талаб қилинган мақсаддан фарқ қилади. Бир замонда умматга нозил қилинган ҳукмлар бошқа замондаги бир умматга мос келмаслиги мумкин. Шариатнинг илк даврида рисолатни етказиш дин тўла-тўқис етказилгандан кейинги ҳол билан фарқланади. Негаки замон ва макон ўзгарганлиги билан ҳукмларнинг нисбати ҳам ўзгариб боради<sup>160</sup>.

Насх ва мансук илмини батафсил ўрганиш мақсадида бу борада тадқиқот олиб боришга киришсак.

Аввало насхнинг луғавий, сўнг истилоҳий маъноларини ўрганиб оламиз.

Қадимги уламолар «наسخ» сўзини жуда ҳам кенг маънода ишлатганлар. Улар бу сўзни мутлақ ҳолда – қайдланмаган маънони қайдлаш учун ҳам, умумий маънони хослаш учун ҳам, мубҳам ва мужмални баён қилиш учун ҳам ишлатаверганлар. Шунингдек, уларнинг бу сўзни ишлатишлари маълум бир шаръий ҳукмни кейин келган шаръий далил билан амалдан қолдиришни ҳам ўз ичига олган. «Насх» сўзининг худди мана шу охириги маънодаги ишлатилиши унинг «кетказиш ва ўчириш» деган маъносини ўз ичига олгандир<sup>161</sup>.

Луғат ва калом уламолари насх сўзи маънолари, ишлатилиш ўринлари борасида кўплаб маълумотлар топишимиз мумкин. Жумладан, Абу Жаъфар Наҳҳос<sup>162</sup> ўзларининг “Ан-носих вал-мансук фил-Қуранил-карим” асарида куйидагича келтиради:

“Насх икки нарсадан келиб чиққан: биринчиси, агар қуёш сояни кетказса қуёш сояни насх қилди, дейилади (бунда кетказиш деган маънодан олинган бўлади). Иккинчиси эса, китобни насх қилдим, дейсиз, агар ундан бир нусха кўчирсангиз. Насх ва мансук мана шу иккисига кўра бўлади”<sup>163</sup>.

Муҳаммад Али Собуний ҳафизахуллоҳ эса насх 3 хил маънода ишлатилишини баён қилганлар<sup>164</sup>. Бошқа уламолар ҳам бу борада ўзларининг фикрларини баён қилганлар.

<sup>159</sup> Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” матбаа нашриёт бирлашмаси, 2014.

<sup>160</sup> Манноъ ал-Қоттон. Мабахис фий улумил-Қуръан. – Ар-Риёд: Мактабатул-маъариф лин-нашри ват-тавзийъ, 2000.

<sup>161</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Улумул-Қуръон. – Тошкент: “Hilol nashr” нашриёти, 2013.

<sup>162</sup> Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юнус Ал-Муродий, Ан-Наҳҳос ан-Наҳвий. Ал-Мисрий. Фустатда таваллуд топган. Ўша ерлик уламолардан наҳв ва бошланғич илмларни ўрганган. Сўнгра илм талабида Бағдодга сафар қилган. Имом Зажжож, Имом Аҳфаш ал-асғар, Имом Мубаррад каби буюк уламоларга шогирд тушган. Милодий 950 йилда Мисрда вафот этган.

<sup>163</sup> Абу Жаъфар Ан-Наҳҳос. Ан-носих вал-мансук фил-Қуранил-карим. Қоҳира: ал-мактабатул-аламийя.

<sup>164</sup> Қаранг: Муҳаммад Али Собуний, “Роваиъул-баян тафсийру аятил-аҳкам”, Ж. 1. “Ат-тибьян фий улумил-Қуръан”...

Биз эса барча манбалар ва материалларга асосланиб насх сўзи англатадиган маъноларни умумий тарзда тартибга келтирдик:

Араб тили луғатида “насх” сўзи қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Бир нарсани унинг ортидан эргашиб келадиган нарса билан кетказиш: “نَسَخَتِ الشَّمْسُ الظِّلَّ” қуёш сояни кетказди, деб айтилади<sup>165</sup>. Ёки аксинча соянинг қуёш нурига кетказишига ҳам айтилади. Яна қариликнинг ёшликни кетказишига нисбатан ҳам айтилади<sup>166</sup>. Ҳар қайси ҳолда ҳам кетказуви нарса кетаётганнинг ортидан келади.

2. Насх мутлақо етказиш, ўчириш деган маъноларда бўлиб, насх қилинган нарсанинг ўрнига бошқа нарса собит қилинишига айтилади. Аввалги турдан фарқи шуки, бунда кейин келтирилган нарса насх бўлган нарсага эргашмайдиган, ундан бошқа нарса бўлиши мумкин. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ إِلَّا إِذَا تَمَنَّى أَلْقَى الشَّيْطَانُ فِي أُمْنِيَّتِهِ فَيَنسَخُ اللَّهُ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ ثُمَّ يُحْكُمُ اللَّهُ آيَاتِهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

(Эй, Мухаммад!) Биз Сиздан илгари юборган ҳар бир элчи ва пайғамбар қачон (ўзига нозил бўлган оятларни) қироат қилса, шайтон унинг қироатига (бошқа нарсаларни) ташлаган (қўшган). Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани бекор қилур, сўнгра Аллоҳ ўз оятларини мустаҳкам этур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир<sup>167</sup>. (Ҳаж сураси 52-оят)

Яъни Аллоҳ шайтон ташламоқчи бўлган шубҳани кетказиб, ундан асар ҳам қолдирмаслигини, унинг ўрнига эса бошқа нарса – Ўз оятларини мустаҳкам қилиб келтиришини баён қилмоқда.

Аллоҳ таоло бир оятнинг ўрнига бошқасини келтириши мумкинлигини бошқа бир ояти каримасида ҳам баён қилади:

وَإِذَا بَدَّلْنَا آيَةً مَكَانَ آيَةٍ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُنَزِّلُ قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مُفْتَرٍ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

Қачонки, (Биз) бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирсак, – ҳолбуки, Аллоҳ ўзи нозил қиладиган оятларни яхши билувчидир – улар (пайғамбарга): «Ҳақиқатан, сен ўзинг тўқиб олувчисан», – дейдилар! Йўқ! Уларнинг кўплари (бунинг ҳикматини) билмайдилар! (Наҳл сураси, 101-оят).

Яъни «Аввал нозил қилинган оятнинг ҳукмини бекор этиб, ўрнига бошқа ҳукм жорий бўлганини баён қилувчи оят туширсак...» дейилмоқда.

3. Бир нарсанинг мутлақ йўқ бўлишига айтилади. Бу «Кетказиш ва ўчириш» маънолари демақдир<sup>168</sup>. Бунда насх қилинган нарса бир йўла йўқ қилиб юборилади. Унинг мисоли қуйидаги оятда келган

<sup>165</sup> Мухаммад Али Собуний. Ровайбул-баян тафсийру аятил-аҳкам. – Байрут: ал-мактабатул-асрийя, 2017.

<sup>166</sup> Роғиб Асфажоний. Муфрату алфазил-Қуръан. – Байрут: Дорул-қалам, 2014. – Б. 801.

<sup>167</sup> Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” матбаа нашриёт бирлашмаси, 2014.

<sup>168</sup> Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Улумул-Қуръон. – Тошкент: “Hilol nashr” нашриёти, 2013.

مَا نُنَسِّخُ مِنْ آيَةٍ أَوْ نُنسِهَا نَأْتِ بِخَيْرٍ مِنْهَا أَوْ مِثْلَهَا أَلَمْ تَعْلَمِ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

(Эй, Мухаммад!) Бирор оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқартирсак, ундан яхшироғини (умматингизга муносиброғини) ёки ўшанинг (айнан) ўзига тенг (бошқа оят)ни келтираверамиз. Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини билмадингизми?!(Бақара сураси 106-оят)

Бунинг маъноси “унга амал қилишни бекор қиламиз, кетказамиз ёки уни инсонлар қалбидан ўчираамиз” деганидир<sup>169</sup>.

4. Нусха олиш, кўчириб ўтказиш маъносида ишлатилади. Бир суратдан бошқа суратга кўчириб ўтказиш яъни насх бўлаётган нарсанинг асли қолиши билан бирга, унинг нусхасини бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ирода қилинади. “نسخ الكتاب» «Китобни насх қилди», деганда, ундан нусха олиш тушунилади. Бунда биринчисидан ҳеч нарса йўқ бўлмаган, ҳатто камайиб қолмагани тушунилади.

5. Нусха ўзгартирилиши, бошқа суратга ўтказиш маъносида ишлатилади. Бунда бир суратдан бошқа суратга ўтказилади. Аввалги ҳолдан фарқи насх бўлаётган нарсанинг асли йўқ бўлиб кетади. “نسخ الإنسان قراداً” “инсон маймунга насх қилинди”, деганда унинг маймунга айлангани ирода қилинган бўлади.

6. Насх ўзагидан олиниб, истинсоҳ кўринишида ясалган шакли. Бу шакл ҳам аввалги каби ёзиб кўйиш, ёки ёзишни талаб қилиш маъносида ишлатилади. Худди шу маъно Жосия сурасидаги қуйидаги оятда келган: Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّا كُنَّا نَسْنَسُخُ مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ (29)

«Албатта, Биз қилган амалингизни ёзиб турган эдик» (29-оят).

У дунёда нима амал қилсангиз, ҳаммасини ўз вақтида аниқ ёзиб турган эдик. Яъни фаришталарга қилган амалларингизни худди ўзидек қилиб ёзиб боришни буюрган эдик. Улар мазкур амалларни номаи аъмолларга ёзиб борар эдилар<sup>170</sup>.

7. Насх ўзагидан олиниб, “наасахо-муносаха” кўринишида ясалган шакли. Бунинг маъноси бошқа нусха кўчирувчиларга ёрдам бермоқ маъносида қўлланилади.

<sup>169</sup> Роғиб Асфохоний. Муфратату алфазил-Қуръан. – Байрут: Дорул-қалам, 2014. – Б. 801; Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф ҳазратларининг “Улумул-Қуръон” китобидан бошқа манбаларда насх борасидаги ўзбек тилида батафсил маълумотлар йўқлигини эътироф этиб этмасдан иложимиз йўқ. Бироқ, бу китоб ҳам насх ва мансук илмига хосланган китоб бўлмагани ҳамда насх ҳақидаги китобларда уларнинг фикрларига қўшимча қилиш имконияти борлиги боис бошқа манбаларга биноан тақсимот қилинди. Қаранг: “Ан-насих фий диросатил-усулийин”, “ан-Носих вал-мансук фил-Қуръан”, “муфратот”, “ал-маъоний”, “қомус”....

<sup>170</sup> Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Улумул-Қуръон. – Тошкент: “Hilol nashr” нашриёти, 2013.

8. Насх ўзагидан олиниб, “интасахо-интисох” кўринишида ясалган шакли. Бу шакл ҳам асл ўзақдаги каби ўчириш ва нусха кўчириш маъносида келади<sup>171</sup>.

9. Насх ўзагидан олиниб, таносух кўринишида ясалган шакли.

а) “Таносаха шайъани” деб икки нарса бир-бирини насх қилишга – йўқ қилишга ҳаракат қилиб, натижадаулардан бири бошқасини йўқ қилишига айтилади.

б) “تناسخ الأيام” деб, тўхтовсиз давом этиб келди, бардавом бўлди деган маънони англатади.

в) “تناسخ الأرواح” ибораси. Бунда руҳлар ўлимидан кейин ўз жисмларидан бошқа жисмларга кўчиб ўтди деган маънода ишлатилган.

г) “تناسخ القوم الشيء” ва “تناسخ الخاضرون الموقف” деб ишлатилади. “Қавм бир нарсани алмаштирди” ва “келганлар ўрин алмашди” ибораларида алмашиш маъносида келган.

д) “تناسخ الورثة” меросхўрлар бирин-кетин вафот этиб, мерос эгасиз қолиб кетишига айтилади<sup>172</sup>.

Энди *наسخ*, *носих* ва *мансух* лафзларига тўхталиб, уларнинг нима маъно англатишига назар соламиз.

**Насх** – насх қилмоқ, насх ишини бажармоқ маъноларидаги ўзак сўз бўлиб, насх лафзи қайси маъно англатишидан қатъий назар ўша ишнинг содир бўлиши тушунилади. Қуёшнинг нурни кетказиши, китобнинг кўчирилиши ва ҳоказолар.

**Носих** – насх қилувчи, насх ишини бажарувчиси тушунилади. Масалан қуёш, китобни кўчирувчи киши ва бошқа маънодаги ўрнига қараб ўша ишни бажарувчилар.

**Мансух** – насх қилинган, насх иши унинг устида бажарилган нарса тушунилади. Масалан қуёш кетказаётган соя, китобдан кўчирилган нарса ва бошқа маънодаги ўрнига қараб қилинган иш тушунилади.

Шариатдаги ҳукмлар ёки оятларда мисол қилсак:

*Бирор ҳукмни бекор қилувчи оят ёки ҳукм носих, бекор қилинган оят ёки ҳукм мансух, мана шу ишнинг амалиёти эса насх бўлади.*

Насхнинг луғавий маънолари ҳақида маълумотга эга бўлдик. Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда насхнинг кетказиш ва кўчириш маъноларига бир хил кучга тенг тарзда далолат қилади, десак бўлади. Ёки иккисидан бири ҳақиқий маъно, иккинчиси мажозий маъно бўлиши мумкин. Уламолар насх лафзидаги асосий маъно қайси эканлиги борасида тўрт хил қарашларни олға сурганлар<sup>173</sup>. Қуйида улар ҳақида батафсилроқ ўрганамиз:

<sup>171</sup> Қаранг: ал-қомус ал-арабий, алмаъаний.ком

<sup>172</sup> Қаранг: ал-қомус ал-арабий, алмаъаний.ком

<sup>173</sup> Аннасах ʻиндал-усулиййин

1. Насх сўзи икки маънода ҳам ҳақиқат, икки маънони англантишда тенг кучга эгадир. Бу Абу Бакр Боқиллоний ва Ғаззолийларнинг<sup>174</sup> фикрларидир.

**Биринчи фикр таҳлили.** Ушбу фикрни олға сурганлар икки маъно – кетказиш ҳамда кўчириш маъноларида лафзан муштарак дейишлари билан бирга битта лафз икки маънода тенг кучга эга, бири иккинчисидан устун эмас, деган бўлади. Шунда иккаласига ишлатилганлигига биноан муштарак деб ҳукм қилиш лозим бўлиб қолади. Лафзнинг бир маънога ишлатилишидаги асл қоида эса ҳақиқат бўлиши керак<sup>175</sup>...

2. Насх сўзи кўчириш, нақл қилиш маъноларида ҳақиқатдир. Бу Қафқол Шоший<sup>176</sup>нинг сўзидир.

**Иккинчи фикр таҳлили.** Бу фикр эгалари насх – кўчириш маъносида ҳақиқат, деб қарашлари икки хил асосланади:

1) Сизнинг “китобни нусха қилдим” деган гапингизда агар кўчириш ҳақиқат бўлса, мақсадимиз ўша бўлади. Агар мажоз деб қарасангиз у кетказиш маъносидан истиъора бўла олмайди. Чунки нусха қилинган нарса кетказилган ҳам эмас, ёки кетказишга ўхшаган нарса ҳам эмас. Демак, кўчириш маъносига ўхшаганлиги учун ўша маънодан истиъора қилинган бўлади. Кўчириш маъносидан истиъора қилинган бўлса ўша маънода ҳақиқат ҳам бўлади. Битта маънода шерикликни дафъ қилиш мақсадида ундан бошқа маънода мажоз бўлади.

2) Насх лафзининг кўчириш маъносида ишлатилиши жуда ҳам кўп, кетказиш маъносида эса аввалгига нистбатан камроқ. Шундай экан ишлатилиши қайси маънода кўп бўлса ўша маънода ҳақиқат бўлади, камроқ қўлланилганида эса ўз-ўзидан мажоз бўлиб қолади. Чунки ҳақиқат ишлатилиш жиҳатидан мажоздан кўпроқ бўлади. Шу боисдан қайси ўринларда озгина фойдаланилган ўринларда ҳақиқат қилиш жоиз эмас<sup>177</sup>.

3. **Насх сўзи кетказиш, йўқотиш маъноларида ҳақиқат, кўчириш маъносида эса мажоздир.** Бу Имом Ар-Розий<sup>178</sup>нинг ихтиёр қилган фикри бўлиб, бу фикрга Абул-Ҳусайн Басрий ҳам юрган.

**Учинчи фикр таҳлили.** Бу фикрдан эса насх лафзини кетказиш маъносида ҳақиқат экани икки хил услубда таъкидланади.

---

<sup>174</sup> Машхур усулчи, ҳужжатул-ислом, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий Хуросонга қарашли Тус шаҳрида ҳижрий 450-йилда туғилиб, 505 – йилда вафот этганлар. Ислом илмларининг деярли барчасида етук билим соҳиблари бўлиб, 200 дан ортиқ асарлар эзиб қолдирган.

<sup>175</sup> Шарҳу усулил-Паздавий, 3/875.

<sup>176</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафқол Шоший 291 йилда Шош (Тошкент)да таваллуд топганлар. Илм талабида Ироқ, Шом, ва Ҳижозга сафарлар қилганлар. Ақида, фикх, усул, луғат ва адабиёт илмлари билимдони бўлган. 365 – йилда вафот этган. Машхур асарлари: “Китоб фи усулил-фикх”, далоилун-нубувват, маҳосинуш-шариат...

<sup>177</sup> Ан-насих ындал-усулийин, 25-бет

<sup>178</sup> Мутақаллимлар имоми, Абулфазл Муҳаммад Фахриддин ибн Зиёуддин Таймий Шофееъий, 543 йилда Рай шаҳрида таваллуд топган, 606 – йилда вафот этган. Маҳсул фил-усул асари машхур.

**Биринчидан**, лафз фақат шу икки маънода умумий ишлатилган. Шундай экан нақл (кўчириш) маъносида ҳақиқат бўла олмайди. Негаки, китобни нусха қилдим деган гапингизда ҳақиқатда китобнинг аниқ ўзини насх қилинганини кўрсатиб бера олмайди, балки бу унинг ўхшашидир. Шундай экан, мажозни кўплигини айтиб ўтирмаган ҳолда ҳам кетказиш маъносида ҳақиқат бўлиши таъйин топади.

**Иккинчидан**, кўчиришнинг маъноси хосроқ, кетказиш маъноси эса умумийроқдир. Бунинг сабаби кўчириш – бир нарсанинг сифатини йўқ бўлиши, боўқа сифатнинг пайдо бўлишини ифодалайди. Кетказиш эса мутлақо йўқотиш демакдир. Лафз умумий ва хос лафзнинг ўртасида айланадиган хосни лафзни кўйиб умумий маънода ҳақиқат қилиб олиниши авлороқ ҳисобланади. Чунки умумликда янада кўпроқ фойда бўлади.

4. Насх сўзи иккала маънода ҳам маънан муштарок ҳисобланади. Бу гапни Шавкониё роҳимахуллоҳ Бурҳон китобида Ибн Мунирга тегишли деб айтган<sup>179</sup>.

**Тўртинчи фикр таҳлили.** Насх лафзининг кўчириш ва кетказиш маъносида маънан муштарак дегани қўйидагичадир:

*Дарҳақиқат, қўешнинг сояни кетказиши ва китобдан нусха олишда маълум миқдор муштараклик бор.* Бу аслида кўтаришлик ҳукми бўлиб, сояда бўлганда очиқ ойдин бўлади. Чунки бу ерда сояга зид нарса ёрдамида соя кетди. Аммо китобни насх қилиш борасида **кўтаришлик** маъноси узрли бўлиб қолади. Негаки, ёзиш ёрдамида китобдан кўчирилган гаплар фақат асл нусхадангина ифода олади холос. Ифодалаб бериш эса асл нусхага хос эди. Демак, ўша асл кўчирилганлиги натижасида фақатгини унда бўлган ифодалаб беришнинг унга хослиги кўтарилди. Натижада соянинг кўтарилиши ва хосликнинг кўтарилиши “кўтарилиш” деб номланган маънода баробар бўлиб қолди.

Баъзилар иккаласининг ўртасидаги “маълум миқдор муштараклик” ўзгартиришлиқдир, дейишган. Шундай қилиб насх икки маъно ўртасида маъно жихатидан муштарак бўлиб қолади<sup>180</sup>.

Ўрганилган маълумотларга кўра уламоларнинг деярли барчаси насх сўзи кетказиш, кўчириш ва ўзгартириш маъносида қўлланилишига иттифоқ қилишгани, қайси маънода ҳақиқат ва қайси маънода мажоз эканлиги аслида муҳим эмаслиги, бунинг натижасида катта фарқлар ҳам илмий мақсад-манфаатлар ҳам вужудга келмаслигини таъкидлашган. Бу ерда келтирганимиз боиси шу каби бахслар борлигини билдириб қўйиш мақсад

<sup>179</sup> Шавкониё, иршодул-фухул, 183 бет.

<sup>180</sup> Шавкониё, иршодул-фухул, 183 бет.

эди. Қолаверса оз бўлсада бу баҳсдан илмий мақсад бор деган уламолар ҳам топилади.

Ушбу айтилган фикрларни ўрганиб, уламоларнинг улар ҳақидаги қиёсий маълумотларидан келиб чиқиб, **“Насх сўзи кетказиш, йўқотиш маъноларида ҳақиқат, кўчириш маъносида эса мажоздир”** деган фикр афзалроқ экани маълум бўлади. Чунки луғат жиҳатидан ишлатилиш ўрнига биноан кўчириш маъносида мажоз эканлиги зоҳирроқдир. Негаки китобни кўчирганлик билан ундаги нарса ўзида асли қандай бўлса шундай боқий қолади. Ундаги нусха олинди, деган маъно эса кўчирилиш лафзидан мажозан қўлланган. Демак кўчирилиш маъносида мажоз бўлса, ундан бошқа лафзда ҳақиқат бўлади. Бу эса ўз-ўзидан кетказиш маъносида ҳақиқат деганидир<sup>181</sup>.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” матбаа нашриёт бирлашмаси, 2014.

2. Манноъ ал-Қоттон. Мабаҳис фий улумил-Қуръан. – Ар-Риёд: Мактабатул-маъариф лин-нашри ват-тавзийъ, 2000.

3. Абу Жаъфар Ан-Наххос. Ан-носих вал-мансук фил-Қуранил-карим. Қохира: ал-мактабатул-аламийя, (йили кўрсатилмаган).

4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Улумул-Қуръон. – Тошкент: “Nilol nashr” нашриёти, 2013.

5. Муҳаммад Али Собуний. Роваиъул-баян тафсийру аятил-аҳкам. – Байрут: ал-мактабатул-асрийя, 2017.

---

<sup>181</sup> Абу Хусайн Басрий, “Муътамад”, 1/395.